# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№92 (645)
2022 йил 11 ноябрь,
жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## САМАРҚАНД – ТУРКИЙ ТАМАДДУННИНГ ҚАДИМИЙ БЕШИГИ

Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мазкур йиғилишда иштирок этиш учун Самарқандга Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан етиб келди.

Шунингдек, саммитда Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этади.

Президент Шавкат Мирзиёев 10 ноябрда ташкилотга аъзо давлатлар етакчилари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашувида олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Фаол ишбилармонлик алоқалари самарали натижалар бераётгани мамнуният билан қайд этилди.

Саноат, кимё тармоғи, фармацевтика, банк-молия, транспорт ҳамда логистика соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Бизнес ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича механизмлар яратиш ишларини тезлаштиришга келишиб олинди.

Гуманитар алмашинув дастурларини, энг аввало, таълим, маданият ва кинематография соҳаларида фаол давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг тадбирларга бой дастури доирасидаги иккинчи учрашувини Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан ўтказди.

Учрашувда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларнинг кенгайиб бораётгани ўзбек ва озар халқларининг азалий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат етакчилари автомобиль саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё ва нефть-кимё тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ лойиҳаларини тезлаштиришга интилишларини билдирдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан ҳам учрашув ўтказди.

Икки давлат раҳбарлари яқин ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ва инвестициявий шерикликда амалга ошириладиган янги лойиҳалар, саноат кооперацияси дастурларини тезлаштириш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ортишида самарали транспорт-логистика тизимини таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған "Олий даражали Имом Бухорий" ордени билан мукофотланди.

Туркий давлатларнинг Самарқанд саммити доирасида мазкур мукофотни топшириш маросими бўлди.

Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат раҳбарининг ҳам Имом Бухорий ҳазратларига ҳурмати жуда юқори. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аллома мақбараси ёнида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис мактаби ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда 2017 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида айтганида, Туркия Президенти "бу юксак минбардан Имом Бухорий ҳазратларининг мўътабар номи биринчи марта янгради" дея мамнун бўлган эди.

Бу йил Президентимиз таклифига кўра, Ўзбекистоннинг "Олий даражали Имом Бухорий" ордени таъсис этилди. Бу мукофот билан илм-маърифатни ривожлантириш, ислом олами мутафаккирлари меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишдаги алоҳида хизматлари учун олимлар, тадқиқотчилар, адиблар, шунингдек, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари тақдирланади.

– Ушбу олий орден Сизнинг ислом маърифатини кенг ёйиш, дунё миқёсида мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва бирдамлигини таъминлаш, диний бағрикенгликни қарор топтириш, ёшларни эзгулик руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматларингизнинг муносиб эътирофидир, – деди Шавкат Мирзиёев маросимда.

Режеп Таййип Эрдоғанга мукофотни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев топширди.

Туркия Президенти буюк муҳаддис номидаги орденни олишдан бениҳоят мамнун эканини билдирди.

– Ҳадис ва фиқҳ илмининг чўққиси бўлган Имом Бухорий номидаги бу қимматли мукофотни олишдан улкан шараф ва ғурур туяман. Шавкат Мирзиёевни илк таниган пайтларимдан буён Имом Бухорий меросидан намуналар келтириб сўзлагани учун менда қардошимга фарқли бир ҳурмат-муҳаббат пайдо бўлган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Самарқандда илм даргоҳлари қурилди, Туркия ва Ўзбекистон олимлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу орденни халқларимиз ўртасидаги азалий ва абадий қардошликнинг, ҳамма соҳада ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг кучли рамзи сифатида қабул қиламан. Ўзим ва миллатим номидан бу юксак эътибор учун Ўзбекистон Президенти ва халқига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, – деди Режеп Таййип Эрдоған.

Кечки пайт Туркий давлатлар етакчилари "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказидаги "Боқий шаҳар" мажмуасига ташриф буюрди.

Бу ерда олий мартабали меҳмонларнинг ташрифи шарафига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан қабул маросими ўтказилди.

Самимий мулоқотда Самарқанд туркий тамаддуннинг қадимий бешикларидан бири бўлгани, бугун халқаро форумлар марказига айланиб бораётгани таъкидланди.

Туркий миллатларнинг қадим маданияти, умумий анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган концерт дастури намойиш этилди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасидаги асосий тадбирлар 11 ноябрь куни бўлиб ўтади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан "Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари" шиори остида ўтказилаётган саммит кун тартибидан иқтисодиёт, савдо, инвестициялар, транспорт, инновациялар, экология, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Саммит доирасида ўндан ортиқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Хусусан, унинг асосий ҳужжати – Самарқанд декларациясини қабул қилиш кутилмоқда. Унда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувлар белгилаб берилган.

Кеча Саммит тадбирлари доирасида Туркий давлатлар ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилиши, Ўзбекистон – Венгрия бизнес-форуми бўлиб ўтди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини мустаҳкамлаш мақсадида:

**1.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент архитектура-қурилиш институтини **Тошкент архитектура- қурилиш университети** этиб қайта ташкил этиш ва уни **муҳандислик, архитектура, қурилиш** ҳамда **қурилиш материаллари технологиялари** йўналишларига ихтисослаштириш;

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини **Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура- қурилиш университети** этиб қайта ташкил этиш ҳамда уни **маданий мерос объектларини тиклаш, дизайн, архитектура, қурилиш, урбанизация ва муҳандислик** йўналишларига ихтисослаштириш;

Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетини (кейинги ўринларда – Университетлар) **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказиш.**

**2.** Қуйидагилар Университетларнинг **асосий фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

архитектура-қурилиш ва муҳандислик соҳаларида **халқаро касб стандартлари** асосида олий маълумотли мутахассислар ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

ўқув жараёнига **халқаро таълим стандартларини** жорий этиш, талабаларнинг **касбий компетенцияларини** чуқур эгаллашини таъминлаш;

профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва магистрантларнинг хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида **илмий стажировка ўташи** ва **малака ошириши,** шунингдек, **талабалар алмашинуви дастурлари** асосида таҳсил олишини ташкил этиш;

таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун **илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш** ҳамда уларнинг **трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш;**

қурилиш муҳандислиги, архитектура, дизайн ва шаҳарсозлик йўналишлари бўйича тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ишланмаларни тижоратлаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида олиб бориш, талабаларда **юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш,** Ватанга муҳаббат ва садоқат, **халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси** билан яшайдиган кадрларни тарбиялаш.

»» 2-бет

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## Янги раҳбарлар жамоа билан танишди

**"Тошкентбошпланлити" ДУКдаги "Ҳаёт лабораторияси"да Қурилиш вазири Ботир Закиров иштирокида Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.**



Учрашувда Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи лавозимига тайинланган Саид Тўхтаев ҳамда Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – шаҳар бош архитектори лавозимига вақтинча тайинланган Шавкат Дусмуҳамедов ҳамкасблари билан ҳам таништирилди.

Ўз хизмат вазифаларига киришишларидан олдин бошқарманинг янги раҳбарларига Ботир Закиров уларнинг машаққатли лавозимларида муносиб хизмат қилишларини тайинлаб, келгусида олдиларида Тошкент шаҳрини янада обод қилиш ишларини давом эттиришдек масъулиятли вазифалар турганини таъкидлади.

Шунингдек, соҳа ходимларига ҳам қурилиш тармоқларида янгиликларни жорий қилиш тақозо этилаётган бугунги даврда давлат раҳбари томонидан қўйилаётган кўплаб вазифалар ва талабларни бажариш ҳамда бу йўлда ҳамма бирдек меҳнат қилиши лозимлиги тушунтирилди.

## Малака оширишга ишчи касб эгалари ҳам жалб этилиши керак!

**Бу ҳақда Қурилиш вазирлигида Туркия қурилиш индустриясининг нуфузли компанияларидан бири – "Optimal Project Management" вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда сўз борди.**





Хорижлик меҳмонларни Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов, вазир ўринбосари Жалол Арашов, Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Аъзамиддин Қўлдашев кутиб олди. Шунингдек, учрашувда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш университетларидан мутахассислар ҳам иштирок этишди.

Мулоқот давомида "Optimal Project Management" ширкати бош менежери Фикрет Азили томонидан юртимизда бунёдкорлик соҳасида амалга оширилаётган ишлар муносиб эътироф этилди. Шу ўринда мамлакатимиз лойиҳалаш ва қурилиш сигментида фаолият юритаётган мутахассислар малакасини жаҳон стандартларига мос тарзда ошириш, уларни халқаро сертификатлар эгасига айлантириш борасида таклифлар берилди. Ушбу жараёнга қурувчи ва меъморлар, механиклар, лойиҳачилар қатори ишчи касб эгалари – ғишт терувчилардан тортиб, сувоқчилар, пайвандчиларни ҳам жалб этиш, бу орқали уларнинг иш ҳақини ҳам оширишга эришиш мумкинлиги таъкидланди. Халқаро сертификатларга эга мутахассисларга эса хорижда ҳам муносиб лавозимларда ишлаш ва истиқболли кадр бўлиш имкони яратилади.

"Optimal Project Management" компанияси вакиллари Туркиянинг соҳадаги етакчи малака ошириш ва сертификатлаш марказлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда уларни бу жараёнга жалб этишда кўмак беришини маълум қилди.

Маълумот учун, 2010 йилда ташкил этилган ва шу кунга қадар кўплаб нуфузли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келаётган компания ўзининг замонавий ҳамда тажрибали кадрлари, энг муҳими, тажрибаси туфайли қурилиш соҳасининг турли йўналишларида фаолият юритмоқда. Компания миллий ва халқаро даражадаги уйлар, меҳмонхоналар, офислар, савдо марказлари, таълим муассасалари, спорт иншоотлари, тиббиёт ва ишлаб чиқариш объектлари лойиҳаларини тайёрлаш, буюртмачининг талабларига мувофиқ пудратчи ташкилотни танлаш ва қурилиш жараёнларини тўлиқ бошқариш билан шуғулланади. Ҳозирда Туркиянинг ўнта шаҳрида, шунингдек, Жазоир ва Қатарда турли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

## Муносибларни саралашда шаффофлик

**Айнан ана шу тамойил асосида Қурилиш вазирлигида Лойиҳа қидирув фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси лавозимига номзодлар тест синовидан ўтказилди.**

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда олиб борилаётган бу каби тизимли ишлар соҳадаги шаффофликни ошириш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олган ҳолда, таниш-билишчиликка йўл қўймаслик, кадрлар танловида очиқлик ва адолат принципларига таяниш ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.



Тест синовидан муваффақиятли ўтган номзодлар билан соҳа мутахассислари суҳбат ўтказади ва шу тариқа касбга оид сифатлари, потенциали одилона ҳамда объектив баҳоланган истиқболли кадрлар аниқланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

**3.** Университетларда таълим жараёнларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Истанбул техника университети ва Йилдиз техника университети ҳамда бошқа нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан музокаралар олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Университетларда таълим тизимини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш ва таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилсин:

**а) таълим тизимини такомиллаштириш йўналишида:**

ўқув жараёнлари давлат, инглиз ва бошқа хорижий тилларда **кредит-модуль тизими** асосида олиб борилади;

талабаларнинг **касбий ва шахсий компетенцияларини** ривожлантириш мақсадида **индивидуал таълим траекторияси ишлаб чиқилади;**

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтган **хорижий олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари** асосида ўқитиш йўлга қўйилади;

фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган, бакалавриатнинг сўнгги икки босқичида таҳсил олаётган талабалар учун турдош таълим йўналишлари бўйича **қўшимча таълим дастурларини** ўзлаштириш имконияти яратилади;

талабаларнинг архитектура, қурилиш, муҳандислик, дизайн йўналишлари бўйича **халқаро касбий сертификатларни** олиши йўлга қўйилади;

**б) илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш йўналишида:**

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширишга йўналтирилган **Олий илм-фан мактаби** ташкил этилади;

менторлик модели асосида кафедраларнинг **нуфузли хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлиги** йўлга қўйилади;

Университетларга илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш ҳуқуқи берилади, ушбу кенгашлар томонидан **илмий даража ва илмий унвонларни мустақил бериш** йўлга қўйилади;

мутахассислик кафедралари ҳузурида масъулияти чекланган жамият шаклида тармоқ корхоналари буюртмалари асосида хизмат кўрсатиш ҳамда илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришга хизмат қилувчи **тадқиқот ва ривожланиш марказлари** ташкил этилади. Бунда, тадқиқот ва ривожланиш марказларининг илмий маҳсулотларни тижоратлаштиришдан ишлаб топган маблағлари тўлиғича уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, лабораторияларни ташкил этиш ҳамда профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади;

**в) таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ривожлантириш йўналишида:**

мутахассислик кафедралари тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларига бириктирилади ҳамда ҳамкорликда **профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли юқори курс талабаларининг амалий кўникмаларини ошириш,** тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва илмий лойиҳалардаги иштироки йўлга қўйилади;

иқтидорли битирувчи курс талабалари танлов асосида "Эл-юрт умиди" жамғармаси маблағлари ҳисобидан **етакчи хорижий олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши** ҳамда ҳомийлик ва Университетларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **битирув олди амалиётини нуфузли хорижий компанияларда ўташи** йўлга қўйилади;

юқори курс талабалари ва магистрантлар **иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилинади** ҳамда улар республика ҳудудларида амалга оширилаётган **қурилиш лойиҳаларига** жалб этилади;

талабалар томонидан **стартап ва бизнес лойиҳаларни тайёрлаш, илмий лойиҳаларда иштирок этиш, тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш** тармоқ ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

**4.** 2023 йил 1 январдан бошлаб Университетларга **академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилсин.**

Бунда, Университетларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-60-сон ва "Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–61-сон қарорлари нормалари татбиқ этилади.

**5. Қуйидагилар:**

Университетларни **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"** 1- ва 2-иловаларга мувофиқ;

Университетларни **2025 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 3- ва 4-иловаларга мувофиқ;

Университетларнинг **мутахассислик кафедраларини ҳудуддаги тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларига бириктириш жадвали** 5- ва 6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Университетларда **кузатув кенгашлари ташкил этилсин ва уларнинг таркиби** 7- ва 8-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

**6.** Университетлар тузилмасида **Стратегик ривожлантириш бўйича биринчи проректор** лавозими жорий этилсин ва қуйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

университетни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

университетнинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув дастурларини нуфузли халқаро ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказиш;

университетни халқаро тан олинган рейтинг ташкилотларининг рўйхатига киритишга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

университетнинг ўқув, илмий, маъмурий ва молия-хўжалик жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришни ташкил этиш;

университет брендини янада оммалаштириш, унда олиб борилаётган академик, илмий ва маърифий жараёнларни миллий ва халқаро майдонда кенг тарғиб этиш.

**7.** Университетларнинг кузатув кенгашлари (О.Абдурахманов):

**а) бир ой муддатда** Стратегик ривожлантириш бўйича биринчи проректор лавозимларига малакали мутахассисларни жалб этсин;

**б) икки ой муддатда:**

Университетлар профессор-ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилиш, улар билан муддатли шартнома тузиш тартиби ҳамда фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари (KPI)ни тасдиқласин;

Университетларнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимлар таркибини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда Университетларга юқори малакали, ҳалол ва ташаббускор кадрларни жалб этиш чораларини кўрсин;

Университетлар илмий кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартибини ва Университетлар маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқласин;

**в) 2023 йил 1 мартга қадар** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини **халқаро таълим ва касб классификаторларига мувофиқ** мақбуллаштирсин;

**г)** Университетларни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"да белгиланган вазифалар ижросини **ўз вақтида сифатли таъминлаш,** ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичларига эришиш** ҳамда **халқаро тан олинган рейтинг ташкилотларининг рўйхатига киритиш** бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни мувофиқлаштирсин ва доимий назорат ўрнатсин.

**8.** Белгилансинки, Университетларнинг трансформация жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар **2023-2024 йиллар давомида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда мақсадли** молиялаштирилади:

етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини жорий этиш;

ўқув дастурларини халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказиш;

салоҳиятли чет эллик ва (ёки) ватандош профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида Университетларнинг бошқарув, таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этиш;

халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига уланиш ва улардан фойдаланиш;

профессор-ўқитувчиларни етакчи хорижий олий таълим ва илмий- тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировкага юбориш.

Молия вазирлиги Университетлар кузатув кенгашларининг ҳисоб-китобларига асосан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

**9.** Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузурида Технопарк ташкил этилсин ва унинг **асосий фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Илғор хорижий тажрибага асосланган технологик ва инновацион ғояларга йўналтирилган **стартап лойиҳаларни** яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

архитектура ва қурилиш соҳасида рақобатбардош **энергия тежамкор қурилиш материалларини** ишлаб чиқариш ва **дастурий хизматлар** кўрсатишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш;

ёш олимларнинг илмий изланишлари ва мақсадли лойиҳалар доирасида миллий ва хорижий ташкилотларнинг, шу жумладан илмий ва таълим муассасаларининг буюртманомалари асосида архитектура, қурилиш конструкциялари ва материаллари, муҳандислик коммуникациялари, қурилиш физикаси ва бошқа йўналишларда илмий **тажриба ва тадқиқотлар** олиб бориш;

иқтисодиёт тармоқларининг етакчи компаниялари мутахассислари иштирокида соҳанинг долзарб масалаларига бағишланган **маҳорат дарслари, тренинглар ва малака ошириш курслари, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар** ўтказиш.

**10.** Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ҳузурида **Инкубация маркази** ташкил этилсин ва унинг **асосий фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

ёш олимлар, иқтидорли талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг **инновацион ва стартап лойиҳаларини** қўллаб-қувватлаш;

талабаларни инновацион фаолият билан шуғулланишга жалб этиш, уларда бошланғич **тадбиркорлик кўникмаларини** шакллантириш;

соҳага оид илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, шартнома асосида **консалтинг хизматларини** кўрсатиш, халқаро грантлар лойиҳаларини жамоавий бажариш орқали миллий ва халқаро даражадаги муаммолар ечимида иштирок этиш;

илмий-тадқиқот лойиҳалари ва ғояларини ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш орқали университетни ривожлантиришга **маҳаллий ва хорижий инвесторларни** жалб этиш ва улар билан ўзаро ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш.

**11.** Технопарк ва Инкубация маркази тегишли университет таъсисчилигида **масъулияти чекланган жамият шаклида** ташкил этилади ва университетнинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Бунда, Технопарк ва Инкубация маркази фаолияти уларнинг хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлари, маҳаллий ва хорижий грантлар, Университетларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

**12.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2023 йил 1 майга қадар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тегишлилиги бўйича Технопарк ва Инкубация марказини Университетлар кузатув кенгашлари билан келишган ҳолда зарур воситалар билан жиҳозласин ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйсин.

**13.** Архитектура, қурилиш, муҳандислик соҳалари раҳбар кадрлари, мутахассислари ва ишчи касб эгаларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази негизида **Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузурида Касбий фаолиятни ривожлантириш маркази;**

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги Архитектура-қурилиш йўналишидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ҳамда Жиззах политехника институти қошидаги Архитектор-лойиҳачилар ва қурувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази негизида Мирзо Улуғбек номидаги **Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ҳузурида Касбий фаолиятни ривожлантириш маркази** ташкил этилсин.

Қурилиш вазирлиги архитектура ва қурилиш соҳасидаги ташкилотлар ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича буюртмаларни шакллантиришга ҳамда уларни Университетларга тақдим этишга масъул ҳисоблансин.

**14.** Белгилансинки:

**а)** Университетларга тегишли лицензия талаблари ва шартларини бажарган ҳолда, қуйидаги **лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш** ҳуқуқи берилади:

уй-жой-хўжалик ҳамда саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар **лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;**

бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш;

**архитектура ёдгорликларини таъмирлаш** учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини **асрашга доир фаолият;**

**б)** 2026 йил 1 январга қадар давлат буюртмачилари Университетлар томонидан амалга ошириладиган қуйидаги ишлар (хизматлар)ни тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиши мумкин:

қурилиш объектларини лойиҳалаш учун техник топшириқларни тайёрлаш;

қурилиш учун муҳандислик-қидирув ишларини (геодезия, геология, геотехника қидирувлари ва бошқалар) амалга ошириш;

қурилиш учун лойиҳаолди ишларни (тарихий, маданий, антропологик, социологик ва экологик тадқиқотлар) бажариш;

қурилиш объектларининг эскиз (концептуал) лойиҳасини тайёрлаш;

қурилиш объектларининг ишчи лойиҳа ҳужжатларини (фақат I-III хавф-хатарлар тоифаларига мансуб бўлган объектлар учун) ишлаб чиқиш;

моддий-маданий мерос объектларини асрашга доир ишларни амалга ошириш ва уларни лойиҳалаш;

**в)** Университетлар:

ўзига тегишли бино ва иншоотларни қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларининг буюртмачиси ҳисобланади;

буюртмачи сифатида функцияларни бажариш доирасида **мустақил инжиниринг компаниялари ва мутахассисларни,** шу жумладан **хорижий компанияларни** жалб этиши мумкин.

**15**. Қурилиш вазирлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш, уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш ва халқаро норматив-техник ҳужжатларга мувофиқлаштириш ишларига **шартнома асосида Университетларни жалб қилиш** чораларини кўрсин.

**16.** 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб **Олмалиқ архитектура-қурилиш техникуми** Тошкент архитектура-қурилиш университети **тасаррруфига, Самарқанд архитектура-қурилиш техникуми** Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети **тасарруфига ўтказилсин.**

**17.** Белгилансинки, техникумларда:

таълим дастурлари тегишлилиги бўйича Университетлар томонидан **хорижий таълим дастурлари асосида** мустақил равишда шакллантирилади;

давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари 50 фоизни ташкил этади;

тўлов-контракт миқдори, уни тўлаш муддатларини белгилаш ва кадр буюртмачилари эҳтиёжига мувофик, тўлов-контракт асосида қўшимча қабул квотасини шакллантириш Университетлар кузатув кенгашлари томонидан амалга оширилади.

**18.** Инновацион ривожланиш вазирлиги **2023-2025 йилларда** Университетлар профессор-ўқитувчилари, магистр ва докторантларининг белгиланган тартибда танлов натижаларига кўра хорижий нуфузли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига илмий стажировкага юборилишини ташкил этсин.

**19.** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Университетларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, зарур ҳолларда, янги ўқув бинолари ва талабалар турар жойларини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш лойиҳаларининг **2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига** белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Президент таълим муассасалари агентлиги билан биргаликда **2023 йил 1 январга қадар** 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Университетлар ҳузуридаги академик лицейлар ўқув дастурларини **"International Advanced Levels" халқаро дастури** асосида ишлаб чиқиш бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **икки ой муддатда** Университетларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, таълим-тарбия жараёнларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида олиб бориш, талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш масалаларини назарда тутувчи чора- тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширсин;

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**21.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошкулов, Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 8 ноябрь

***Манба:*** *lex.uz*

# ФУҚАРОЛАР МАБЛАҒИНИ ЖАЛБ ҚИЛАЁТГАН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ

## платформадан рўйхатдан ўтиши шарт

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугун юртимизда улуш киритиш асосидаги уй-жой қурилишлари кўпайиб бормоқда. Бу борада харидорлар билиши керак бўлган айрим жиҳатлар мавжуд. АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Элёр Комилов бу ҳақда батафсил маълумот берди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги "Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида" ПҚ-4732-сон қарорига асосан, улуш киритиш асосида қуриш электрон платформаси шакллантирилган. Уй сотиб олаётган фуқаро энг аввало, хусусий тадбиркорлар томонидан қурилаётган уйнинг Қурилиш вазирлиги электрон платформасидан рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигини текшириши керак.

Бунинг учун уй олмоқчи бўлган фуқаро ушбу ҳавола — https://mc.uz/ulushdor/ орқали қурилаётган уйнинг рўйхатдан ўтганлигини аниқлайди. Бу ҳавола орқали ҳамма учун очиқ бўлган мажмуа номи, қурувчи ташкилот манзили ва шу каби маълумотларни олиш мумкин.

Қурилиш ташкилотилари платформадан қай тартибда рўйхатдан ўтказилади?

Қурилиш ташкилоти қурилаётган уйнинг маълумотларини электрон тартибда платформага юклайди ва маълумотлар ваколатли органнинг масъул ходими томонидан 3 иш кунида, агар барча ҳужжатлари тўлиқ бўлса, бир кун ичида кўриб чиқилиб, рўйхатдан ўтказилади. Электрон рўйхатга киритиш учун қурувчилардан энг аввало, кўп квартирали уйларни қуриш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаси ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар талаб этилади. Шунингдек, қурилиш мажмуасига кирадиган кўп квартирали уйлар ва бошқа қурилиш объектлари қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз молиявий ресурслари ёки мазкур маблағларга ёхуд унинг етишмаётган қисмига кредит ажратиш ҳақида банк кафолат хати ҳам зарур ҳисобланади.

Кейинги талаблар қурилиш мажмуаси учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижобий экспертиза хулосаси ҳамда техник, муаллифлик назорати ва давлат назоратини амалга ошириш бўйича тегишли шартномалар тузилганлиги бўйича ҳужжатларни ҳам тақдим этади. Ва албатта, улушдорлар томонидан киритилган маблағларни жалб қилиш учун тижорат банкида алоҳида ҳисобварақ очилганлиги энг муҳим жиҳатлардан биридир.

– "Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги ПҚ-4732-сон қарорига асосан, ташкил этилган электрон платформа кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш бозорини тартибга солиш, уй харид қилаётган фуқароларни максимал даражада хавфлардан ҳимоялаш мақсадида фаолият олиб бормоқда, – деди брифингда Элёр Комилов. – Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари юқорида кўрсатилган талабларга асосан қурилиш жараёнини олиб бораётган бўлади. Бундан ташқари, қурилиш давомида фуқаролар маблағларини жалб қилаётган қурилиш ташкилотлари ҳам электрон платформадан рўйхатдан ўтиши шарт. Рўйхатдан ўтмасдан туриб, қурилиш ишларига фуқароларнинг маблағларини жалб қилиш мумкин эмаслиги белгиланган. Электрон платформадан рўйхатдан ўтмаган қурилиш ташкилотлари қураётган кўп қаватли турар жой мажмуасини реклама қилиши ҳамда улушдорнинг маблағларини қурилишга жалб қилиши мумкин эмас.

Қурилиш ишлари тугалланган уйлар эгаларига топширилгандан кейин камида 2 йил давомида қурилиш объекти эксплуатациясининг кафолат муддатини амалга ошириб боради. Шунингдек, қарорга асосан, улушдор фуқаролар қуйидагиларни:

қурилиш объектидаги қурилиш ишлари ҳолати билан танишишга;

шартнома шартлари бажарилиши бўйича қурувчидан ёзма шаклда маълумот талаб қилишга;

қурилиш объектларини қуриш устидан техник, жумладан, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларни ёки мутахассисларни жалб қилиш орқали амалга оширишга ҳақлидир.

Шунингдек, брифингда қурилиш устидан давлат назорати Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиб борилиши таъкидланди. Қолаверса, кўп квартирали уй-жойларни улуш киритиш асосида қураётган қурилиш пудрат ташкилотлари ҳам юқоридаги қарорга асосан фаолият олиб боришлари лозим.

# Хорижий сармоя – иқтисодиёт таянчи

**Хорижий сармоя – капитал маблағлар оқими давлатларнинг иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатганига тарих гувоҳ. Сўнгги йилларда Ўзбекистонга кўплаб турдаги халқаро сармоялар киритилиб, миллий саноат соҳаларимиз ривожланмоқда. Бу жараёнлар яқин йилларда халқимизнинг ҳаёт даражасида акс этиши шубҳасиз.**

Яқинда Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида "EVRO tbm" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бу корхонага 6,8 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя киритилган. Ҳозир бу ерда 40 нафар фуқаро меҳнат қилмоқда.

– Бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонга сармоя киритиш учун иқтисодий тадқиқотлар олиб борган эдик, – деди бельгиялик сармоядор Филип Госсент. – Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамай Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш кузатилаётгани эътиборимизни тортди. Тошкент вилоятида электромобиль ишлаб чиқарувчи завод қурдик. Бу иккинчи лойиҳамиз ҳисобланади.

Халқаро доирада ташкил этилган тадбирда Бельгия, Франция ва Бирлашган Араб Амирлигидан келган сармоядорлар, туман мутасаддилари ҳамда пудратчи ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ўзаро ҳамкорликни кучайтириш истиқболлари юзасидан фикрлар билдирилди.

Тадбир доирасида "EVRO tbm" корхонасига Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази Самарқанд филиали сифат менежменти тизимлари сертификатлаштириш идораси томонидан ISO 9001:2015 сифат менежмент тизими сертификати ҳам топширилди.

Мазкур сертификат корхонага халқаро бозорга чиқиш ҳамда экспортёрга айланиш имконини беради. Ўтган вақтда корхонанинг масъул ходимлари ташкилот томонидан ташкил этилган махсус ўқув курсларида ўқиб, менежмент соҳасида билим ва тажрибаларини оширишди. Бу уларнинг халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш йўлидаги муҳим қадами ҳисобланади. Айни кунда Самарқанд вилоятидаги 40 та қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонанинг шундай сифат сертификатлари бор.

**Ўз мухбиримиз.**

# Тошкентда Олимпия шаҳарчаси қурилади

**Мамлакатимизда сўнгги беш йилда спорт соҳасига қарийб 4 триллион сўм йўналтирилиб, 118 та йирик иншоот фойдаланишга топширилди ва 110 таси реконструкция қилинди. 9 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйилгани бу борада муҳим қадам бўлди.**

Олимпия шаҳарчаси қурилиши муносабати билан ўтказилган маросимда президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Барчани ушбу тарихий воқеа билан табриклаб, лойиҳанинг аҳамияти ҳақида гапирди. Маълумки, 2021 йили Тошкентда оғир атлетика бўйича, шунингдек, жорий йил дзюдо бўйича жаҳон чемпионатлари юқори савияда ташкил этилди. Келгуси йилда юртимиз бокс бўйича жаҳон чемпионати ҳамда қитъа миқёсидаги кўплаб турнирларга мезбонлик қилади.

**– Бизнинг ўз йўлимиз, ниятларимиз, режаларимиз бор. Бугун қилаётган тарихий ишларимиз ўзининг катта натижасини беришига ишонамиз,** – деди Шавкат Мирзиёев. – **Ана шу ишонч бизга куч-қудрат беради. Эътибор ва шароит натижасида жорий йилнинг ўзида спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда 1 мингдан зиёд медални қўлга киритди. Жумладан, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтган шахмат олимпиадасида миллий терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади. Туркиянинг Кўнё шаҳрида бўлган Ислом бирдамлиги ўйинларида эса вакилларимиз жами 158 та медаль билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни олди.**

Бундай натижалар туфайли спортчиларимиз дунё эътиборига тушди. Эндиликда нуфузли халқаро мусобақаларни ўтказиш Ўзбекистонга ишониб топширилмоқда. Кутилаётган анжуманлардан энг нуфузлиси Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Параосиё ўйинларидир. Бу мусобақалар 2025 йилда Тошкентда ўтказилади. Унда қитъамиздаги 45 мамлакат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича беллашади. Мусобақани юқори савияда ўтказиш мақсадида замонавий Олимпия шаҳарчасини иншо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари жорий лойиҳа билан бир неча бор танишиб, кўрсатмалар берган эди. Шаҳарча Хитойнинг "САМС Engineering" компанияси томонидан қуриб битказилади.

Келажакда олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланади. Бу маскан меъморий жиҳатдан мукаммал, энергия тежамкор ва энг илғор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлади. Ушбу лойиҳанинг қиймати 289 миллион доллардан зиёд. Шаҳарча майдони 100 гектардан иборат бўлади. Бу ерда 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очиқ спорт иншоотлари, сув спорти саройи, велотрек, яккакураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилади. Шуни ҳам айтиш керакки, мажмуа мусобақалардан сўнг бўшаб қолмайди. Кейинчалик бу ерда Спортни ривожлантириш вазирлиги, спорт федерациялари ва Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолият кўрсата бошлайди. Мажмуаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Маросимда Осиё Олимпия кенгаши бош директори Ҳусайн ал-Мусаллам, Осиё Паралимпия қўмитаси президенти Мажид Рашид, "САМС Engineering" компанияси бош директори Ли Хайсин, Ўзбекистон спорт ташкилотлари фахрийлари кенгаши раиси Баҳодир Махситов ва ёш спортчилар сўзга чиқиб, шаҳарчанинг бўлажак шароитлари ва аҳамияти ҳақида гапирди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТЕЗКОР ГУРУҲ ФАРҒОНАДА



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хабарингиз бор, Қурилиш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг масъуллари ва ОАВ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ ҳудудларда бўлиб, давлат дастури асосида қурилаётган уй-жойларнинг ҳолатини танқидий-таҳлилий кўриб чиқяпти. Шу кунларда пресс-тур иштирокчилари Фарғона вилоятига ташриф буюриб, қурилишларда йўл қўйилган оқсоқлик ва камчиликларни аниқлашмоқда.**

Ўзбекистоннинг демографик ҳолати ҳақида гап кетганда, шубҳасиз, Ўрта Осиёдаги энг кўп аҳолига эга ҳудуд ақлимизга келади. Бугун ўлкамизнинг барча вилоят ва туманларида уй-жойга эҳтиёжманд юртдошларимиз учун кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. "Янги Ўзбекистон" массивлари бу борада амалга оширилган лойиҳаларнинг энг йиригидир. Мазкур массивларда қурилишларнинг тўғри бажарилиши, лойиҳадан четлаш ҳолатларининг кузатилмаслиги устидан назорат ва сифат даражаси бевосита келажакда массивларда истиқомат қилувчиларнинг хавфсизлиги учун-да аҳамиятлидир.

Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон массивларини барпо этиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Фарғона шаҳри ҳудудида "Янги Ўзбекистон" массиви – "Эко шаҳар" қурилиши олиб борилмоқда. "Эко шаҳар"да 39 та 7 қаватли, 34 та 9 қаватли уй-жойлар бунёд этилмоқда. Айтиш керакки, қурилаётган кўп қаватли турар жой биноларидаги қурилиш ишларини ўрганишда Фарғона вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан давомий текширувлар ўтказилиб келинган. Жумладан, 150 та мониторинг, 356 та сифатсиз ва лойиҳадан четга чиқиш бўйича ёзма кўрсатма берилган. МЖтКнинг тегишли моддаларига асосан аниқланган ҳолатлар юзасидан судларга аризалар киритилган. 10 та ҳолатда сифатсиз материаллар бўйича тақдимномалар чиқарилган.

Фарғонада бўлиб турган мутасаддилардан иборат тезкор гуруҳ "Эко шаҳар" қурилиш майдонига ташриф буюриб, қурилиш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Тадбир давомида масъуллар томонидан аниқланган камчиликларнинг жойида бартараф этилиши таъминланмоқда.

– Ҳудуддаги махсус велосипед ва коляскалар сақлаш жойларида лойиҳадан чиқиш ҳолатлари кузатилган, – деди Фарғона вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспектори Умиджон Узоқов. – Бу ҳолатда мазкур сақлаш жойлари турар жой қисмига қўшиб юборилгани сабабли демонтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, қурилиш материалларидан фойдаланиш ва техника хавфсизлик қоидаларига тўла амал қилинмаган. Ҳомутлар орасида 200 миллиметрли шаг берилиши кўзда тутилган бўлса, амалда 220-220 миллиметргача ошириб юборилган. Техника хавфсизлигига кўра бинонинг айрим юқори қисмларига ҳимояловчи тўсиқлар ўрнатилмаган. Ҳозирги кунда барча камчиликларни ёзма равишда қурувчига тақдим этганмиз. Лойиҳадан чиқиш ҳолатлари бартараф этилмоқда. "Эко шаҳар" лойиҳасига киритилган биноларнинг 55 тасида бевосита қурилиш ишлари давом эттириляпти. Буларнинг 9 тасида лойиҳадаги умумий фойдаланиш учун мўлжалланган хонадон соҳибларининг ашёлари, анжомлари сақланадиган махсус сақловчи хоналар қурилмаган ёки мавжудларидаги хатоликлар тўғриланмоқда.

Айни пайтда Фарғона вилоятида бўлиб турган Қурилиш вазирлиги масъуллари ва ОАВ вакилларидан иборат тезкор гуруҳ ҳудуддаги ижтимоий объектлар ҳолатларини ҳам ўрганишмоқда. Маълум бўлишича, Фарғона шаҳрининг "Гулзор" МФЙдаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббий маркази қурилишининг тайёр бўлиш муддати 3 ойга кечиктирилган. Жорий йилнинг 31 августига қадар фойдаланишга топширилиши керак бўлган тиббиёт маркази қурилишининг кечикиш сабаби лойиҳанинг аввалига қурилиш майдонидаги дарахтзорлар ўрнида ишлаб чиқилганидир. Дарахтларни сақлаб қолиш мақсадида лойиҳа ўрни дарахтзорга ёндош бўлган майдонга кўчирилган ва қайтадан тайёрланган. Шу сабабли кечикиш ҳолати юзага келган. Объектнинг фойдаланишга топширилиш муддати ноябрь ойининг охирига мўлжалланган.

Тадбир давомида пресс-тур иштирокчилари Фарғона шаҳрининг Алишер Навоий номидаги МФЙда 1-2-акушерлик, 24 ўринли чақалоқлар реанимацияси, 40 ўринли даволаш биноси, маслаҳат поликлиникаси ва репродуктив саломатлик марказидан иборат вилоят перинатал марказининг реконструкция объекти билан танишдилар. "Водий Мега Проект" масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳаси асосида "Фарғона Кристал Қурилиш" ХК томонидан қурилаётган марказда ер ишлари ҳолати, пойдевор ишлари, ғишт териш ишлари, колонна, том ишлари, ички пардозлаш, сантехника ишлари қарийб тугатилган бўлиб, эндиликда ташқи ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур объектдаги қурилиш ишлари ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ўрганилган.

– Фарғона вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан қурилишда Давлат қурилиш назорат электрон тизими орқали мунтазам равишда мониторинг ишлари олиб борилмоқда, – деди Фарғона вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори Х. Охунжонов. – Мониторинг ишларини олиб бориш жараёнида инспекция томонидан буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчига бажарилиши мажбурий бўлган жами 37 та қоидабузарликдан иборат 12 та ёзма кўрсатма берилган. Ушбу кўрсатмалар ўз вақтида бартараф этиб борилмоқда.

Фарғона вилоятига амалга оширилган пресс-тур давомида бошқа вилоятларда бўлгани каби камчиликлар кўзга ташланди. Ҳолатлар юзасидан пресс-тур таркибидаги масъуллар томонидан қурилишдаги бир қанча нуқсонлар жойида бартараф этилиб, бинокорлик жараёнларининг сифатли олиб борилиши тўғрисида тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Газетамизнинг келгуси сонларида тезкор гуруҳ томонидан Андижон ҳамда Наманган вилоятларига амалга оширилган пресс-тур ҳақида батафсил маълумот берамиз.

## НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

# 5 ҚАВАТЛИ 20 ХОНАДОНЛИ 2–3 ХОНАЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ



**Буюртмачи**:Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги.

**Лойиҳа ташкилоти:** "QISHLOQ-QURILISHLOYIHA" МЧЖ Бош лойиҳа қидирув институти.

**Лойиҳа бош меъмори:** З. Мирзалиева.

**Лойиҳа бош муҳандиси:** Ш. Саноқулов.

**Меъморий лойиҳалаш ечимлари:** 5 қаватли, 1 секцияли, 2-3 хонали, 20 хонадонли бинонинг ҳажмий режавий ечими табиий-иқлимий шароитга мослаштирилиб қабул килинган. Бино 5 қаватли бўлиб, 1 секцияли (1-подъездли) тархдаги ўлчами 14,600 x 17,100 метр. Ҳар бир қаватда 3 та 2 хонали хонадон ва 1 та 3 хонали хонадон бор. Яшаш бўлмалари 3, 4 ва 5 кишилик бўлиб, умумий хона, ётоқхона, ошхона, бирлаштирилган санитар хона, даҳлиз, холл ва 1-5 қаватларни бирлаштириб турувчи зинапоя катагидан иборат.

Ташқи пардоз ечими оддий бўлиб, деразалари текис деворда кетма-кет қўйиб чиқилган. Ташқи пардоз фасад ишлари сувли-эмульсияли бўёқлар билан бўялган. Қалинлиги 3 мм. Бинонинг ташқи цокол қисми "Кабанчик" туридаги керамик плита билан қопланган. Ички ва ташқи пардозлаш ишларида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган замонавий пардозлаш материалларидан фойдаланилган.

**Техник-иқтисодий кўрсаткичлар:**

хонадон яшаш майдони – 614,50 $м^2$;

хонадоннинг умумий майдони – 900,25 $м^2$;

ертўланинг умумий майдони – 232,90 $м^2$;

турар жой биносининг яшаш майдони – 1111,20 $м^2$;

қурилиш ҳажми – 4776,50 $м^3$;

қурилиш майдони – 257,70 $м^2$.

**Хонадонларнинг асосий кўрсаткичлари:**

2 хонали хонадоннинг умумий майдони – 42,55 $м^2$, яшаш майдони – 28,40 $м^2$, квартиралар сони – 15 та. 3 хонали хонадоннинг умумий майдони – 52,40 $м^2$, яшаш майдони – 37,70 $м^2$, квартиралар сони – 5 та.

**Умумий кўрсаткичлар:** 5 қаватли 1 секцияли, 2-3 хонали, 20 хонадонли турар жой қурилишининг намунавий лойиҳаси лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ асосида, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланиб, қуйидаги табиий-иқлимий шароитларга мослаб ишлаб чиқилган. Ташқи ҳавонинг энг совуқ ҳисоблаб белгиланган қиймати −15°С. Шамол тезлиги босими – Wo = 0.45 кПа. Қор қопламаси оғирлиги – So = 0.50 кПа. Қурилиш майдонининг ҳисобланган сейсмиклиги – 7-8 балл. Масъуллик синфи – II. Ёнғин хавфи бўйича бинолар классификацияси ҳисоби – Ф 1.3. Ишончлилик коэффициенти – 0.95. Оловбардошлик даражаси – III. Бино тоза полининг нисбий белгиси – ±0.00 белгиланган.

Ташқи деворлар монолит(т/б), қалинлиги 180 мм, газоблокли деворлар ташқи иссиқлик ҳимоя қатлами билан ҳисоблаганда қалинлиги 180 мм. Иссиқлик ҳимоя қатлами базальт толаси асосида минерал плита ППЖ-160, γ =160 кг/м3 – қалинлиги 70 мм, полимер сетка устидан елимли штукатурка қопланган бўлиб, қалинлиги 10 мм. Пардозлаш қатлами – фасад сувли-эмульсияли бўёқлар билан бўялган бўлиб, қалинлиги 3 мм. Полларнинг горизонтал гидроизоляцияси (Г.Г) -0,030 белгида 1:2 нисбатидаги цемент қоришмаси, қалинлиги 30 мм. Ташқи девор атрофида отмостка – бетондан. Бетон энига 1500 мм, қалинлиги 50 мм. Шағал асос қалинлиги 100-150 мм.

**Қурилиш конструкциялари ва маҳсулотлари:** пойдеворлари монолит темир бетон, В-20. Деворлари монолит темир бетон ва газобетон блоклардан 180 мм, металл ўзаклар билан кучайтирилган. Оратўсиқ (перегородка)лар 100 мм, ҳар иккала томондан 2 қаватли гипсокартондан. Ўзак (сердечник)лар – металл уголок 50x50x5, перемычкалари – металл уголок 50x50x5, томи – ёғоч каркаси устига қопланган профилланган рухли-пўлат листлар, поллари – ламинат, керамик плиткалар, бетон қоплама. Деразалари – ПВХ профиллардан, эшиклари – металл каркасли ва МДФ каркасли, ташқи пардози – 50 мм қалинликдаги "ППЖ-175" минерал толали иссиқ сақловчи қопламали сувоқ. Ички пардози – яхшиланган сувоқ, сувли эмульсияли бўёқлар, керамик плиткалар.

**Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш:** 5 қаватли 1 секцияли 2-3 хонали 20 хонадонли бинонинг ҳажмий-режавий ечими табиий-иқлимий шароитга мослаштирилиб қабул қилинган бўлиб, функционал характеристикаси бўйича атроф-муҳит учун зарарли таъсири йўқ. Ер ишларини бошлашдан олдин тайёргарлик ишларини ўтказиш лозим. Муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш, пойдевор ётқизиш учун қазилаётган чуқур (котлаван) қазишдан олдин ернинг ҳосилдор тупроқ бўлган қисмини эҳтиёткорлик билан қазиб олиб, алоҳида бир жойга тўплаб қўйиш керак. Тўпланган унумдор тупроқ майдонни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ишлатилади.

**Муҳандислик жиҳозлари:** 5 қаватли 1 қаватли, 20 хонадонли турар жой биноси, 2 ва 3 хонали хонадонлар объекти учун иш ҳужжатлари қуйидаги дастлабки маълумотлар асосида амалга оширилади. Қурилиш ва технологик режалар, ускуналар номенклатураси ва алоқа каталоги телефония, телевидения, интернет, дамофон тизимини ўз ичига олади.

Телефонлаштириш уй-жой ичидаги тармоқларни ўз ичига олади. Шаҳар тармоғидан оптик толали кабель киритиш лозим. "Ташқи алоқа тармоқлари" алоҳида лойиҳаси абонент кабеллари УТП сат 6е (ва Интернет учун) кабели билан силлиқ ПВХ қувурлар орқали миналар ва монолитик РЖ=45 сокет қадар ертўласида коммутация кабинет ўрнатилган оптик патч панел девор. Қутилар ҳ = 0,5 м га тоза замин даражасидан ўрнатилади. Марказий телевидение эшиттиришларини қабул қилиш учун бинонинг томида телевизор антенна ўрнатилган. Лойиҳа кабелни улаш ва телевизион розеткаларни ўрнатишни таъминлайди. Абонент кабеллари ПВХ қувурларда, мултибенд кучайтиргич орқали амалга оширилади. Қават бўлувчи (сплиттер) учун шип хонада ўрнатилган. Абонент бўлинмаларидан кабель розеткага яхлит девор бўлувчи томонидан силлиқ ПВХ қувурлар орқали ўтказилади. Розеткалар ҳ = 1,5 метрга ўрнатилади. Тегишли ускуналарни ўрнатиш билан кабель телевидениеси хизматлари тармоқларига уланиш амалга оширилади.

Маълумот узатиш тармоғи турар жой биноси ичидаги тармоқларни улашни таъминлайди. Оператордан киритиш алоқа учун "Ташқи алоқа тармоқлари" алоҳида лойиҳаси қилинади. Абонент симлари УТП сат6е кабели билан амалга оширилади (ва телефон учун). Ҳар бир абонент кабели мос равишда белгиланиши керак. Абонент терминали (йўриқнома) квартираларнинг эгалари томонидан сотиб олинади. Интерком тизими кўпқаватли уйларга ўрнатиш учун мўлжалланган МЕТАКОМ интерком қулфлаш мосламасига асосланган. Қурилманинг ўзига хос хусусияти ФТП сат / 5е симидан фойдаланадиган барча абонентлар учун бир хил бўлган икки симли алоқа тизими қўлланилишидир. Ташқи абонентни танлаш ташқи панелдаги клавиатура ёрдамида амалга оширилади. Абонент кабеллари ФТП сат-6е симлари ёрдамида ПВХ силлиқ қувурларда валлар ва квартираларга монолит девор орқали ўтказилади.

**Электр таъминоти:** хонадонларнинг етказиб бериш линиялари кўтаргичларининг лойиҳавий юклари, шунингдек, кириш жойидаги лойиҳавий юклари, бир хонадонга солиштирма юк ва хонадонлар сонига қараб, бир вақтнинг коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ушбу лойиҳа квартиралар, умумий ёритиш, деворга ўрнатилган газли қозонхоналар ва насосни электр энергияси билан таъминлайди.

Турар жой биносидаги электр энергиясини ҳисобга олиш DTS-541 русумидаги электрон ҳисоблагич билан таъминланади. Умумий уй истеъмолчиларини ҳисобга олиш киришга ўрнатилган электрон ҳисоблагич орқали амалга оширилади. DDS-28у типидаги электрон ҳисоблагичлар ва УЗО типидаги қолдиқ оқим мосламалари билан ҳар бир қаватнинг қабулхонасида ўрнатилган ЩЭ3401 тахталари пол тахтаси сифатида қабул қилинди. ШРН типидаги платалар бир фазали автоматик гуруҳга эга калитлар ҳисобланади. Квартира панеллари уларнинг коридорларига ўрнатилади. Зинапоялар ва залларни ишлайдиган ёритгичларининг электр таъминоти тармоғи кабелда ВВГнг кабели билан амалга оширилади. Деворлар бўйлаб чизиқлар ичида яширинган товоқлар, ШНК 2.08.01-05 га биноан, квартираларнинг барча хоналарида терминал блоклар, ошхоналарда ва коридорларда терминал блоклар ва маржон розеткаси, ҳаммом хоналарида чироқни ўрнатиш режалаштирилган.

LED лампалар умумий уй истеъмолчилари учун ёруғлик манбалари сифатида қабул қилинади. Оддий маиший истеъмолчиларнинг электр ёритгичлари маҳаллий калитларга ва FCS типидаги ёритгичларга ўрнатилган акустик датчик зумда 0,5 сония давомида бошқарилади (инсон қадамидаги акустик тўлқинлар). Квартираларнинг гуруҳли тармоқлари ВВГнг кабели билан монолит девор ва шифтларда, гипсокартон бўлинмаларидаги ва полда гофрировка қилинган ПВХ қувурларида яширинган ҳолда амалга оширилади. Ер панеллари полдан 1,2 м баландликда жойлашган жойларга ўрнатилади.

Лойиҳа ҳар бир хонадон учун тугмачали электр қўнғироқларни ўрнатишни назарда тутади. Калитлар полдан 0,8 метр баландликда, вилкалар розеткалари полдан 1,0 метр баландликда, бошқа хоналарда полдан 0,4 метр баландликда ўрнатилади. Умумий хонада сплит системани улаш учун полдан 2,2 метр баландликда розетканинг ўрнатилишини таъминлайди. Қўнғироқ тугмачасини 1,8 метр баландликда ўрнатиш керак бўлади. Электр жиҳозларининг барча металл, одатда электр ўтказмайдиган қисмлари заземление, нуллаш нулевой симга ва ВРУдаги PE шинасига уланиш орқали бажарилади. Барча электр ишлари ПУЭ ва КМК 3.05.06 -97 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

**Иссиқлик ва вентиляция бўлими:** ушбу лойиҳа архитектура қисмлари топшириғига биноан, КМК 2.04.05-97 "Иситиш, вентиляция ва конденцациялаш, ШНК 2.08.01-05 "Турар жой бинолари ва иншоотлари", КМК 2.01.01-94 "Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик малумотлар"и асосида ишлаб чиқилган. Иссиқлик манбаи сифатида газда ишлайдиган модул типидаги иситиш қозонхонасидан фойдаланилади. Иссиқлик етказувчи иссиқлик системаси учун сувни 80-60° С параметрлари билан иситиб беради. Иссиқ сув VITECH B1 Q=15кВт қозонхонадан етказиб берилади. Иситиш мосламалари сифатида биметалл иситгичлар қўлланилади. Қувур ўтказгичлар полипропилендан. Эшиклар олдидан ўтувчи қувурлар изоляция қилиниб, пол конструкциясига ётқизилади. Қувурларни девордан кесиб ўтувчи жойларига ёнмайдиган гильза ётқизилади. Ҳавони шамоллатиш ҳавони ичкарига-ташқарига тортиш, табиий ва механик йўллар билан бажарилади. Ҳаво оқими уюшмаган ойна орқали амалга оширилади. Полипропилен қувурларини монтаж қилиш ва қотириш, ишлаб чиқарувчи фирманинг тавсифига кўра бажарилади. Иситиш тизимида "ROTTO 600" альюмин радиаторлари мосламаларидан фойдаланилади. Қозонхона икки табақали иситиш мосламаси бўлиб, иссиқ сув таъминоти ҳам тўғридан-тўғри қозонхонадан олинади.

**Иссиқ ва совуқ сув таъминоти тизимлари:** лойиҳа ичимлик суви учун ягона тизимни ўз ичига олади. Бино ертўласида насос қурилмаси учун насос хонаси кўзда тутилади ва хонада 2 та (ишчи ва захира) СМЕ 5-4 A-S-A-E-AVBE U-A-D-N Qмах=3 м3/час Нмах=20м N=0.5 кВт типидаги насослар лойиҳаланди. Насос хонасидаги чуқурчада сув кўтарилиш даражасига қараб ишловчи P1 1*230 В (Q=10 м3/час; Н=4.5м; N=0.5 кВт) типидаги дренаж насос лойиҳаланди. Совуқ ва иссиқ сув тизимлари PPRS 0 63-50-40-32-25-20 мм полипропилен қувурлар билан лойиҳаланади. Иссиқ сув таъминоти алоҳида индивидуал қозонлардан олинади. КМК 2.04.01-98, п.9.8.га асосан, совуқ ва иссиқ сув қувурлари ёпиқ ҳолда монтаж қилиниши керак.

**Оқова сув тармоқлари:** оқова сув тармоқлари қувурларини ташқи тармоқлар қудуқларига қараб нишабликда лойиҳаланди. Оқова сув тармоқларида полиэтилен 050, 110 ГОСТ22689.3-89 050 қувурларидан фойдаланилди. Бино конструкциялари орқали ўтадиган оқова сув қувурларини пластмасса гилзалар билан қоплаш ва улар орасини ёнмайдиган материаллар билан тўлдириш керак. Гилзанинг ташқи диаметри 200 мм катта бўлиши лозим.

**Газ таъминоти:** ушбу лойиҳа табиий газ ва газ таъминоти техник топшириғи ҳамда техник шарти асосида амалга оширилди. Ишчи чизмалар амалдаги қонун ҳужжатлари ва нормалари асосида ишланди.

Ишлаб чиқариш, монтаж ва пайвандлаш ишларини текшириш ва газ таъминотини синовдан ўтказиш амалдаги стандартлар ва нормаларга мувофиқ амалга оширилиши шарт. Булар – ШНК 2.04.08-13 "Газ таъминоти. Лойиҳа нормалари", ШНК 3.05.02-96 "Газ таъминоти. Ишларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва қабул қилиш". Ер усти паст босимли 0 57x3.5 деворларга маҳкамлаш учун ишлатиладиган маҳкамлагичлар ораси камида 6 метр бўлиши керак. Газ қувурлари уйларнинг деразасидан 0,2 м баландда бўлиши мақсадга мувофиқ. Газ қувурларининг умумий узунлиги тешиклардан ўтиш, тушиш ва чиқиш жойларига қараб ҳисобланади.

# “МЕНИНГ УЙИМ” БИЛЛИНГ ТИЗИМИ ИШГА ТУШГАЧ

## аҳолига қандай қулайликлар яратилди?

**Айни пайтда республика бўйича 39 691 та кўп квартирали уйлар мавжуд бўлиб, уларга 736 та бошқарувчи ташкилотлар ҳамда 277 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатмоқда. 36 109 та кўп квартирали уйлар бошқарувчи ташкилотлар томонидан, 1 242 таси эса ширкатлар томонидан, 792 таси эса бевосита мулкдорлар томонидан бошқарилади. Кўп квартирали уйларнинг 783 таси бошқа ташкилотлар балансида, қолган 765 таси бошқариш усулини танлаш жараёнидаги уйлар ҳисобланади. Ҳозирда бошқарувчи ташкилотлар томонидан қўшимча 38 хил турдаги хизматлар йўлга қўйилиши (хонадонларни тозалаш, гилам ювиш, автомашинани тозалаб бериш, деразаларга темир панжаралар ва мебель ўрнатиш каби хизматлар) натижасида компаниялар қўшимча даромадга эга бўлмоқда.**

2021 йил ва 2022 йилнинг январь-октябрь ойларида республика бўйича ширкатлар томонидан самарасиз бошқарилган уйлар сони 35 мингдан 1,2 минггача қисқартирилди. 2021 йилда республикада 1047 та молиявий ночор ширкатлар мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар 12 тани ташкил қилмоқда.

Бугунги кунга келиб, соҳани рақамлаштириш, коммунал тўловлар тизими шаффофлигини таъминлаш мақсадида “Менинг уйим” биллинг тизими ишга туширилди. Бу тизим кўп квартирали уйлардаги аҳолининг мажбурий бадалларни электрон шаклда тўлаш ва ўз навбатида, юртдошларимиз томонидан бошқарувчи ташкилотларнинг молиявий харажатларини онлайн кузатиб бориш имконини беради. Ҳозирда “Менинг уйим” электрон тизимига ширкат ва бошқарув ташкилотлари бошқарувидаги кўп квартирали уйлардан 1,2 миллион хонадон (95 фоиз, яъни вилоятлардан 731 849 та, Тошкент шаҳридан 486 840 та) маълумотлари киритилган бўлиб, Марказий банкнинг клиринг “МУНИС” тизими ва электрон тизимлар орқали 173 млрд сўм пул маблағи келиб тушган.

Вазирлик расмий веб-сайтининг бош кўринишида “Шаффоф коммунал” ойнаси яратилиб, электрон реестр ва электрон рейтинг платформаси ҳаволасида ишга туширилди.

“Менинг уйим” ахборот тизимида кўп квартирали уй-жойлар хонадонларининг маълумотлар базасини автоматик шакллантириш мақсадида Кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларига боғланган ҳамда ягона манзиллар реестри билан интеграция қилинган. Шунингдек, уй-жойлар мулкдорларининг қарздорлигини нотариал идоралар томонидан текшириш учун Адлия вазирлигининг маълумотлар базаларига интеграция қилинган. Ҳозирда электрон биллинг тизимини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Ундаги уй-жойлар мулкдорларининг шахсий кабинети орқали:

– кўп хонадонли уйлар ҳолати, уй-жой мулкдорлари томонидан тўланадиган маблағлар, қарз миқдори, муддатини автоматик тарзда кузатиб бориш;

– уй-жой мулкдорларидан олинган тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни ягона маълумотлар базасида сақлаш;

– тизимдаги уй-жой мулкдорлари ўртасида сўровлар ўтказиш орқали бошқарув ташкилоти фаолияти тўғрисида фикр ва мулоҳазаларни олиш;

– ҳисобот даврида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эълон қилиш;

– уй эгасининг шахсий кабинетида янгиликлар, хабарномалар ва хабарларни нашр этиш (1 кв.м учун нарх, тўлов хабарномаларини юклаб олиш, тўловлар тарихи, уй ҳақида сўров натижалари, уй ҳақида тўлиқ маълумот, бошқарувчи ташкилотларнинг хизматлари учун онлайн тўловларни қабул қилиш) имкониятлари яратилади.

“Менинг уйим” биллинг тизими ишга туширилгандан сўнг, вазирликка ижтимоий тармоқлар ва фуқаролардан кўплаб савол ва мурожаатлар келиб тушмоқда. Қуйида ана шундай кўп учраётган саволлар ва уларнинг жавобларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### “Тизимдаги маълумотлар кадастр маълумотлари билан тўғри келмаяпти. Нима қилиш керак?”

– “Менинг уйим” биллинг тизимидаги хонадонлар ва уларнинг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар Кадастр агентлигининг маълумотлар базасидан интеграция қилинган ҳолда, автоматик равишда олинади. Тизимдаги хонадонларнинг майдонлари тўғрисидаги маълумотларни тўғрилаш Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарорига асосан, Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади. Мазкур ҳолатда, туман кадастр бўлимларига мурожаат қилиш зарур бўлади.

### “Шахсий кабинетимга кира олмаяпман, мобил илова ҳам ишламай қоляпти. Сабаби нимада?”

– Келиб тушаётган мурожаатлар таҳлил қилинганда, кўпчилик фойдаланувчи хонадон мулкдори бўлмаганлиги сабабли рўйхатдан ўта олмаяпти. Натижада тизим ишламаяпти, деган хулосага келинмоқда. Рўйхатдан ўтишда хонадон мулкдори бўлиши шарт.

“Менинг уйим” ахборот тизимининг мобил иловаси мавжуд бўлиб, вазирликнинг расмий веб-сайтида (kommunal.uz) “Шаффоф коммунал” ойнаси ҳам яратилган. Улар орқали кўп қаватли уйларда яшовчи мулкдорлар шахсий кабинетларига бемалол киришлари мумкин.

### “Битта жисмоний шахснинг идентификация рақами, яъни, ПИНФЛга бир нечта хонадонни қандай улаш мумкин? Агар мулкдор бирдан ортиқ хонадонга эга бўлса, у битта ПИНФЛга уланиши мумкинми?”

– Уланиш мумкин. Рўйхатдан ўтган битта логин ва парол билан бошқа хонадонлар бўйича ҳам маълумотларни кўриш имконияти яратилган. Эътибор беринг, бунда хонадонлар маълумотлари алоҳида-алоҳида бўлади. Яъни, эгаси бир киши бўлса ҳам, маълумотлар хонадонлар бўйича алоҳида шакллантирилган.

### “Тариф нархи қандай шакллантирилади, шахсий кабинетда кўрсатилаётган тариф нархи тўғрими?”

– Тариф уй-жой мулкдорлари ва бошқарув ташкилотлари ўртасида келишилган ҳолда умумий йиғилиш қарори билан белгиланади. Агарда сиз белгиланган тарифлардан норози бўлсангиз, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин (тел. рақами 71-235-31-00) Тизимдаги тариф нархлари айнан шунга мос равишда киритилган.

### “Тизимда нима учун тўлов амалга оширилган хонадоннинг майдони ҳақида маълумот йўқ?”

– Ахборот тизимида хонадонларнинг майдонлари мавжуд. Мажбурий бадаллар мулкдорлар ва бошқарув ташкилотлари томонидан умумий йиғилиш қарорига асосан, белгиланган тариф ва хонадон майдонига нисбатан бир ойлик тўлов сифатида шакллантирилади.

### “Тизимда кўрсатилаётган қарздорлик нотўғри бўлса, кимга мурожаат қилиш керак?”

– Бошқарув ташкилотларига ахборот тизимидаги қарздорликларга тузатишлар киритиш имконияти берилган бўлиб, бундай ҳолатларда бошқарув ташкилотларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Агарда улар томонидан бартараф этилмаса, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига шикоят қилиш мумкин (**тел. рақами:** 71-235-31-00).

### “Нима учун тизимда фақат “Апельсин” тўлов тизимидан фойдаланиш мумкин, қолган тўлов тизимларичи?”

– Бошқа тизимлар орқали хам тўловларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун бошқарув органлари тўлов тизимлари билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиши лозим бўлади. “Апельсин” тўлов тизими тўғридан-тўғри фуқаролар билан оммавий оферта орқали ҳизмат кўрсатаётганлиги сабабли тўловлар учун хизмат ҳақини тўловчидан олмоқда. Қолган электрон тўлов тизимлари ҳам шу тартибда ишларни ташкил қилса, ахборот тизимининг тўловларни қабул қилишга имконияти мавжуд бўлади.

### “Биллинг тизимига уланмаган кўп қаватли уйлар қандай қилиб тизимга киритилади?”

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 январдаги 3-сон қарори билан кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатиш тартиби белгиланган. Ушбу тартибга асосан, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув органларининг биллинг тизимига уланиши зарурлиги белгиланган. Агар сизга хизмат кўрсатаётган бошқарув органи биллинг тизимига уланмаган бўлса, бошқарув ташкилотига мурожаат қилишингиз лозим. Улар томонидан бу иш амалга оширилмаган тақдирда, қоидаларни бузган ҳисобланади ва белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

**“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Райҳона ХЎЖАЕВА тайёрлади.**

# Йўлларни лойиҳалашда ахборот технологияларидан фойдаланиш

**Лобар ОЧИЛОВА,**
“Йўл-лойиҳа бюроси” МЧЖ матбуот котиби.

**“Йўл-лойиҳа бюроси” МЧЖ мутахассислари ҳамда Тошкент давлат транспорт унверситети билан ҳамкорликда Автомобиль йўллари муҳандислиги факультетининг Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирокида семинар ташкил этилди.**



Ҳозирда юртимизда профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш, уларни билим ва кўникмаларини ошириш, замонавий касб-ҳунарга йўналтириш, ўқишдан кейинги бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда соҳа ташкилотлари иштирокини янада кенгайтириш, жамият эҳтиёжлари, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни амалга ошириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Семинар худди шу мақсадда ташкил қилинди.

Унда мутахассислар томонидан республикамиз автомобиль йўлларини қайта қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, лойиҳалаш ҳамда йўлсозлик соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида талабаларга маълумот берилди. Бугунги кунда автомобиль йўлларини лойиҳалашда инновацион ёндашувдан, аниқроғи, стимуляция, яъни, 3D кўринишидан фойдаланилаётгани талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ушбу семинарда талабалар йўл соҳасида мутахассислар томонидан олиб борилаётган ишлар, автомобиль йўлларини лойиҳалаш жараёнида ахборот технологияларини қўлланилиши бўйича маълумот олишди, – деди Тошкент давлат транспорт университети Автомобиль йўллари муҳандислиги факультетининг Автомобиль йўлларини қидирув лойиҳалаш кафедраси мудири Рашид Худойқулов. – Бугунги кунда университетимизда ҳам бу соҳада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция жараёни яхши йўлга қўйилган. Кафедрамиз профессор-ўқитувчилари ва талабаларимиз Тошкент шаҳридаги Катта Олмос кўчасини лойиҳалаш ишларида қатнашдилар. Бугунги кунда талабаларга курс иши ва битирув малакавий ишларини реал жойларга чиқиб, автомобиль йўлларини лойиҳалаш ишларини кузатиб, сўнгра ёзиш имконияти яратилган. Талабаларимиз МЧЖнинг вилоятлардаги филиалларида ҳам ўқув амалиётларини ўтаб, ўз тажрибаларини оширмоқда. Қолаверса, “Йўл-лойиҳа бюроси” МЧЖ билан кўп йиллардан буён турли йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ўйлайманки, бу тадбир нафақат талабаларга фойдали, балки шу соҳада ишлаётган ходимларга ҳам ўзларида бор билимни талабаларга етказиш имкониятини яратгани учун ҳам аҳамиятлидир.

– Бугунги учрашувга талабаларни олиб келишимиздан мақсад, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдир, – деди кафедра профессори Барно Салимова. – Энг аввало, бу каби учрашувлар талабаларда ўз касбига меҳр уйғотишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ҳозирда шаҳарда тирбандлик муаммоси долзарб. Семинар давомида тақдимот қилган мутахассислар бу бўйича олиб борилаётган ишлар ва ечимлар ҳақида батафсил маълумот беришди. Талабаларда ҳам ўзлари танлаган соҳаларига нисбатан анча қизиқиш уйғонди. Қолаверса, кўчилик талабаларда ёзги амалиёт даврида ҳам айнан “Йўл-лойиҳа бюроси”га келиб, тажрибали мутахассислардан иш ўрганиш нияти уйғонди.

## ҲУДУДЛАР

### Наманган вилояти

# Косонсойда саноат ривожланмоқда

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзига хос табиати, ҳордиқ масканлари билан машҳур Косонсойда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қатор йирик лойиҳалар, кичик саноат зоналарининг барпо этилиши яхши самара бермоқда. Чунки улар ҳудуд ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш билан бирга кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.**

Туманда юқори суръатда қад ростлаётган кичик саноат зоналаридан бири “Намуна” номини олган. У шу номли маҳалла ҳудудида жойлашган ва умумий майдони 26,2 гектардан иборат. Мазкур ҳудудда қиймати 196 миллиард сўмлик 28 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда “Баркас текс”, “Чиндовул қурилиш инфо”, “Istiqlol production”, “Orzu towel teks”, Севимли очиқ савдо”, “Рухшона шукрона сервис” каби 6 та корхоналарнинг биринчи босқичи ишга туширилган. Уларнинг ҳисобига 500 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, ишга замонавий касб-ҳунарларни эгаллаган йигит-қизлар жалб қилинди.

– Шу кунларда кичик саноат зонасида бунёдкорлик ишлари жадал давом этяпти, – деди туман қурилиш бўлими бошлиғи Алишер Бобохонов. – Бир объектда том ёпилаётган бўлса, бошқасида пардозлаш ишлари қизғин. Бир қатор корхоналарда эса ускуналарни ўрнатиш ва созлаш бошланган.

Масалан, “Istiqlol production” масъулияти чекланган жамиятига қарашли корхона ишга тушганига кўп бўлгани йўқ. У полиэтилен пакетлар тайёрлашга ихтисослашган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати салкам 2,5 миллиард сўмдан иборат. Айни вақтда замонавий технологиялар асосида тайёрланган маҳсулотлар буюртмачиларга жўнатиляпти. Саноат зонасида яна бир йирик корхона қуриб битказилди. Қишлоқнинг олти юзга яқин ёшлари замонавий дастгоҳларни бошқаришмоқда. Ҳозирча унинг биринчи навбати маҳсулот бера бошлади. Корхона тўла ишга тушгач, бу ерда 1 800 киши меҳнат қилади.

Шу ўринда туманда “Намуна”дан ташқари яна учта кичик саноат зонаси барпо этилаётганини қайд этиш лозим. Уларга 167,4 гектар ер майдони ажратилган. Қиймати 1 триллион 251 миллиард сўмлик 184 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Кичик саноат зоналарида ташкил этилаётган корхоналарнинг барчаси тўла қувват билан иш бошласа 13,6 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

### Қашқадарё вилояти

# Шаҳрисабзда янги поликлиника иш бошлади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Шаҳар ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ва тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан бир йил ичида тўрт қаватли, 52 та замонавий хоналардан иборат тиббиёт муассасаси бунёд этилди.**

Шаҳарнинг “Бунёдкор” МФЙда “Китоб тараққиёт қурилиш” корхонаси томонидан умумий қиймати 4 млрд 520 млн сўм маблағ эвазига қурилган ушбу оилавий поликлиникада фаолият юритадиган 116 нафар тиббиёт ходимлари ва маҳаллий аҳоли учун барча шароитлар яратилган.

# Қаршида учта вилоят учун логистик марказ очилди

**Айни пайтда 6 минг турдаги дори-дармон воситаларини етказиб бериш фаолияти билан шуғулланаётган “Meros Pharm” МЧЖ, 100 дан ортиқ хорижий ва 300 дан ортиқ маҳаллий ҳамкорлар билан иш юритиб келади.**

Ҳозирга қадар мазкур жамият Ўзбекистоннинг 5 та ҳудудида филиалларига эга бўлиб, яқинда Қарши шаҳридаги “Қавали” кичик саноат зонасида олтинчи филиалини очди. Ушбу объект Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари учун логистик марказ бўлиб, лойиҳа учун 8 млрд сўмдан ортиқ инвестиция киритилди. Шунингдек, 40 та янги иш ўрни яратилди, келгусида уни 100 тага етказиш режалаштирилган.

# Қамашида хорижий корхона қурилиши бошланди

**Туман раҳбарлари ва озарбойжонлик вакиллар иштирокида “Матанат” хорижий корхонаси қурилиш ишларига старт берилди.**

Мазкур лойиҳа тўла амалга ошса, биринчи босқичда гипс ва гипскартон ишлаб чиқариш заводи, иккинчи босқичда эса қуруқ аралашма ҳамда лак-бўёқ ишлаб чиқарилади. Эътиборлиси, ушбу корхонада барча ишлаб чиқариш жараёнлари нанотехнология ёрдамида амалга оширилади.

### Қорақалпоғистон Республикаси

# Давлат хизматлари маркази янги бинода

**Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туманида Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Янги бинонинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари Р. Сапарбаев, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари Х. Мелиев ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!”, деган эзгу ғоя асосида давлат хизматлари марказлари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳолининг бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшашида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлат хизматлари марказида Тахиатош туманининг 74 минг нафардан зиёд аҳолисига қулай шароитларга эга бўлган бинода хизмат кўрсатилади. Иншоот қурилиши замонавий шаҳарсозлик меъёрларига мос бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари учун кенг шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

